

136-01/06/03/2022

Қисқа муддатли таълим хизматлари кўрсатиш бўйича
КБМ-2 - СОНЛИ ШАРТНОМА

«08» Январ 2022 йил. Тошкент шаҳри

12.01.2022.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (кейинги ўринларда Олий мактаб), кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталувчи Директор ўринбосари Ш. Исакулов номидан Устав асосида фаолият юритувчи бир томондан ва "Ўзметкомбинат" АЖ кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб номланади, Пирматов Рашид Хусанович номидан, Устав №01 асосида, иш юритувчи иккинчи томондан, келгусида биргаликда "Тарафлар" деб аталувчилар куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар:

1. Шартнома мақсади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги №ПФ-4720-сонли "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 2-иловаси Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастурининг 45-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги 460-сонли "Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига 4-илова Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасига ўқишга қабул қилиш ва уни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низомининг 5-бобига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 апрелдаги 236-сонли қарорининг 2-бобига асосан малака аттестатини олиш истагида бўлган номзодларни, "Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва тамойиллари (масофавий)" мавзусидаги 40 соатлик махсус ўқув дастури бўйича ўқитиш.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Буюртмачи :

2.1.1. Кейинги ўринларда "Тингловчи" деб номланувчи куйидаги ходимларини белгиланган санага Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва тамойиллари (масофавий) мавзусидаги махсус ўқув курси бўйича ўз вақтида ўқишга йўналтиради.

№	Тингловчи(лар) Ф.И.Ш	Ўлчов бирлиги	Ўқиш суммаси бир кишига	Тингловчилар сони	Кўшимча қиймат солиғи	Ўқиш суммаси (жами)
1.	Пирматов Рашид Хусанович	8 киши	2100000	8 нафар	ҚҚС ушланмайди	16800000
2.	Гараев Роман Салимович					
3.	Будей Татьяна Александровна					

9954002

4.	Умеров Нариман Османович					
5.	Ахмедов Дилшод Турсункулович					
6.	Мадияров Санджар Гулямович					
7.	Шарипов Акмал Маматович					
8.	Мирбабаева Шахназа Улугбековна					

2.1.2. Тингловчиларнинг умумий сони 8 кишини ташкил этиб, шартноманинг умумий суммаси Ўн олти миллион саккиз юз минг сўмни ташкил этади;

2.1.3. Тингловчини ўқув курсларида тўлиқ иштирок этишини ўз зиммасига олади;

2.1.4. Тингловчи зиммасига Олий мактаб ички тартиб қоидаларига қатъий риоя қилиш мажбуриятини юклайди.

2.2. Олий мактаб :

2.2.1. Мазкур шартноманинг 2.1.1.-банди асосида Олий мактаб тингловчиларини белгиланган тартибда ўқишга қабул қилади;

2.2.2. Ўқув жараёнини малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар томонидан олиб борилишини таъминлайди;

2.2.3. Тингловчиларни мавзуларга оид зарур ўқув материалларини электрон шаклда олишга имконият яратади, ўқув курсини замонавий педагогик технологиялар ва энг илғор усуллар ёрдамида ташкил этилишини таъминлайди;

2.2.4. Зарур ҳолларда ўқув дастурларига асосланган ўзгартириш киритишга ҳамда ўқув курслари ўтказиладиган кунларни ўзгартириш ҳуқуқига эга. Ўқув курслари бўйича киритилган барча ўзгаришларни Бунортмачига вақтида етказишни ўз зиммасига олади;

2.2.5. Мазкур шартноманинг 4.2. бандига асосан олдиндан белгиланган тўловлар амалга оширилмаса, тингловчини ўқув курсларига қўймаслик ҳақуқига эга;

2.2.6. Ўқув жараёни якунида махсус ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган тартибда “Сертификат” берилади.

3. Шартноманинг бажарилиш шартлари

3.1. Олий мактаб томонидан белгиланган муддатда ўқув жараёнлари ташкил этилади ҳамда белгиланган тартибда тингловчиларнинг давомати ва курсни ўзлаштириш жараёни назорат қилиб борилади. Агар тингловчи узрли сабабсиз беш марта дарсга кеч қолса, икки кун давомида дарсга умуман келмаса ёки махсус ўқув курсини тўлиқ тугатмаса, тингловчилар сафидан чиқарилади, бундай ҳолатда “Буюртмачи” томонидан ўқиш учун ўтказилган пул суммаси “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”га қайтарилмайди.

3.2. Тингловчи “Буюртмачи” томонидан ўқиш учун белгиланган пул маблағларини мазкур шартномада белгиланган муддатларда “Олий мактаб” нинг ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

4. Ўқиш учун тўлов миқдори ва тўлов тартиби

4.1. Ўқиш учун тўлов миқдори ҳар бир тингловчи учун **2100000** (Икки миллион бир юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Ўқиш учун тўлов “Буюртмачи” томонидан **100% олдиндан тўлов тарзида** амалга оширилади.

4.3. “Буюртмачи” томонидан тингловчи(лар)нинг ўқиши учун тўлов белгиланган муддатда амалга оширилган бўлса, аммо Олий мактабнинг расмий огоҳлантиришларига қарамасдан “Буюртмачи” томонидан тингловчининг белгиланган муддатда ўқишга келиши таъминланмаса, “Буюртмачи” томонидан ўқиш учун ўтказилган пул суммаси қайтарилмайди.

4.4. Республикада ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга ошириладиган ўзгаришларни ҳисобга олиб, Президент ёки Ҳукумат қарорига асосан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорининг ўзгариши муносабати билан Олий мактаб томонидан мазкур шартномага оид тўлов миқдори қонунчиликда белгиланган тартибда мустақил ўзгартирилиши мумкин.

5. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

5.1. Шартномага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг келишуви асосида фақат ёзма тарзда амалга оширилади ва икки томонлама имзолангандан сўнг қонуний кучга эга бўлади.

5.2. Шартномада белгиланган вақт мобайнида Ижрочиға боғлиқ бўлмаган сабаблар билан Тингловчи анъанавий ёки масофавий ўқиш жараёнида иштирок этмаса шартнома Ижрочи томондан бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

5.3. Шартнома қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши мумкин:

-мазкур шартноманинг 3.1., 4.2., 7.5. бандларида назарда тутилган ҳолларда;

-Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан суд тартибида.

6. Форс мажор ҳолатлари

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.



Ваколатли орган томонидан берилган махсус ҳужжат энгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

6.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф энгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга шундай ҳолат вужудга келган кундан бошлаб 14 кунлик муддат ичида асослантирилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда маълум қилиши лозим. Агар энгиб бўлмас куч бир ойдан ортиқ вақт давом этса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

6.3. Тараф Форс-можор ҳолатлари вужудга келганлиги ҳақида бошқа тарафни хабардор қилмаслиги ёки ўз вақтида ҳабр қилмаслик тарафни мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида юқоридаги форс-можор ҳолатларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Тингловчи тўлов амалга оширилган ўқув кўрсаларига қатнашмаса ўқиш учун тўланган пул маблағлари Ижрочи томондан қайтарилмайди.

7.2. Шартноманинг 2.1.3 - 2.1.4.-бандларида кўрсатилган мажбуриятлар Буюртмачи томонидан бажарилмаслиги, Ижрочи томонидан тингловчини тингловчилар сафидан чиқарилишига асос бўлади. Бунда қисқа курслар учун тўланган пул маблағлари Ижрочи томонидан қайтарилмайди.

7.3. Шартноманинг 2.2.-бандида кўрсатилган мажбуриятлар Ижрочининг айби билан бажарилмаса, Ижрочи тўлаб берилган суммани кўрсатилган хизматларга пропорционал тарзда қайтаради.

7.4. Олий мактабнинг шахсий мулкига тингловчи томонидан зиён (зарар) етказилса Буюртмачи етказилган зиён (зарар)ни тўлиқ қоплашни ўз зиммасига олади.

7.5. Буюртмачи томонидан шартноманинг 4.2. бандида кўрсатилган тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаслиги шарномани бекор бўлишига олиб келади ҳамда Буюртмачи томонидан Ижрочига тўланмаган сумманинг 10% миқдоридида кўрилган зарар учун жарима тўлаб берилади.

8. Низоларнинг ҳал этилиши

8.1. Мазкур шартномани бажариш юзасидан келиб чиқадиган барча келишмовчиликлар тарафлар томонидан музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар тарафлар ўзаро муроасага кела олмасалар, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда “Ижрочи” жойлашган жойдаги судга мурожаат этиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Мазкур шартномада қайд этилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида ҳал этилади.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Мазкур шартнома икки тарафлама имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

9.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

9.3. Мазкур шартноманинг 4.2.-бандида қайд этилган талаблар “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, мазкур шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

9.4. Шартнома ҳар икки томон учун бир хил қонуний кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10. Тарафларнинг юридик манзил ва реквизитлари

**“Бизнес ва тадбиркорлик
олий мактаби”**

Буюртмачи:

Манзил: Тошкент ш, Миробод 25
Ҳ/: 23402000300100001010
МБ ХККМ Тошкент шаҳар
Ш/ҲР: 400110860262737094100140001
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги газначилиги СТИР: 201122919
МФО: 00014 СТИР: 307758823
Тел: 71 239-03-05 71 239-03-11

"Ўзметкомбинат" АЖ
Манзил: Бекобод ш. Сирдарё кўчаси 1-уй
Тел: 998998067640
ИНН: 200460222
Хизмат кўрсатадиган банкнинг номи ва
манзили: Бекобод шаҳар "Ипотека
банк" АТИБ Бекобод филиали
Ҳисоб рақами: 20210000800463183001
МФО: 00489

Директор ўринбосари



Ш. Исакулов



ВИЗОВЫЙ КОНТРОЛЬ	
Нач. структурного подразделения	
Нач. отдела комплаенс-контроля	
Нач. управления экономики	
Главный бухгалтер	
Юридический департамент	

2

**Комбинат ходимларини малакасини ошириш бўйича
хизмат кўрсатиш учун баҳолаш натижалари тўғрисидаги комиссия
ХУЛОСА - БАЁННОМАСИ**

2021 йил 30.12 01/06-03-08-456 -сон

Комиссия таркиби:

Комиссия раиси – бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – тараққиёт бўйича директор – **Мадияров С.Г.**

Комиссия аъзолари: Комиссия раисининг ўринбосари – ишлаб чиқаришни таъминлаш ва маҳсулотларни сотиш департаменти директори – **Махмудов Ф.Т.**, аъзолари: молия директорининг биринчи ўринбосари – бош иқтисодчи – **Турабаев А.И.**, корпоратив хавфсизлик ва ресурсларни химоя қилиш департаменти директори – **Хожиев Т.Т.**, ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи – **Гуламов Б.А.**

Кун тартиби: “Ўзметкомбинат” АЖ нинг 8 нафар раҳбарларини Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби “Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва тамойиллари (масофавий)” мавзусида ўқишлари учун тўғридан тўғри шартнома тузиш

Шартнома имзолаш мақсади: “Ўзметкомбинат” АЖ нинг 8 нафар раҳбарларини Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби “Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва тамойиллари (масофавий)” мавзусида ўқитиш.

Шартнома суммаси: 16 800 000,00 (Ўн олти миллион саккиз юз минг) сўм.

Комиссия қарор қилади: Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталининг ягона етказиб берувчиларининг реестрига биноан Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ягона таълим муассасаси эканлиги ва кадрлар тайёрлаш бўйича бажарилган ишларнинг сифати талабларга жавоб беришини инobatга олиб, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида “Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва тамойиллари (масофавий)” мавзусида ўқишлари учун тўғридан-тўғри шартнома тузилсин.

Комиссия раиси



Мадияров С.Г.

Комиссия раиси
ўринбосари



Махмудов Ф.Т.

Комиссия аъзолари



Турабаев А.И.

Хожиев Т.Т.

Гуламов Б.А.

РЕЕСТР ЕДИННЫХ ПОСТАВЩИКОВ

Название организации	307758823	Выберите статус	Почек	Наименование поставленного уникального и технически сложного товара (работ, услуг), не имеющего альтернативы на рынке.	Основание	
№ наименования юр. лица или индивидуального предпринимателя (поставщика или производителя)	Адрес, контакты: тел, e-mail, сайт (поставщика или производителя)	ИНН	Дата создания	Дата изменения	Статус	
1	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги ХУЗурдаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби	307758823	17.05.2021	Активен	Корпоратив болшкарувчи малака аттестатини бериш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 26.04.2021 йилдаги 236-сонли қарори